

Шайбонийнинг хаёт тарихида эътиборга молик учта муҳим нукта бор. У аввало ўрта осийликларнинг ички кучларига таяниб юришлар қилган ва оқибатда чегараси Амударё доирасидан жуда узокка чўзилган бир мамлакатни барпо этган буюк соҳибқиронларнинг охиригиси эди. Бундан кейинги жанговар йўлбошчилар, маҳорат ва хирслари қанчалик катта бўлмасин, бу борадаги бахт-омадга эриша олмадилар. Ичдан қучайган Эрон гарбдаги Бухоро ва Самарканд эллари учун енгилмас, юксак ва метин бир девор холига келди. Иккинчидан, бундан кейинги Ўрта ва Гарбий Осиёда қабилалар уруши қатъий тугади. Ўзбеклар Турон яйловидан жануби-гарбга тушган қавмларнинг энг сўнги қабиласи бўлишди. Учинчидан, Аму ва Сир дарёларининг нариги тарафидаги илк мусулмонлар билан Гарбий Осиёдаги дин қардошлари ўртасида жуда яқин бўлмаса-да, доимий бир алоқа бор эди. Темурийларнинг инкирози ва ҳалокати билан бу алоқа тамоман сўнди. Хусусан, сафавийларнинг шиаликни қувватлашлари сабабли алоқа узилиши янада чуқурлашди. Бу айирмачилик ва мазҳабчилик билан Ислом вужудига козик қокдилар. (Херман Вамбери, «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи», Тошкент, 1990 йил).

Бу козик ханузгача чиқарилмай яра бойлаб ётибди.